

Ҳажнинг суннатлари | Фиқҳ дарслари (353-дарс)



19:00 / 13.11.2025 908

Ҳажнинг юқорида зикр этилганлардан бошқа амаллари суннат ва одоблардир.

Ҳажнинг суннатлари кўп, жумладан, қуйидагилардир:

1. Эҳромга кириш учун ғусл қилиш;
2. Эҳромга кириш пайтида хушбўй суртиш;
3. Лаббайка айтиш;
4. Тавофул қудум қилиш;
5. Тавоф чоғи етти марта узлуксиз айланиш;

6. Саъйнинг етти бориб-келишини кетма-кет қилиш;
7. Саъйда таҳоратли бўлиш;
8. Арафа кечаси Минода ётиб қолиш;
9. Биринчи тош отгандан кейин қурбонлик сўйиш;
10. Тош отишни кечасига қолдирмаслик;
11. Ташриқ кечалари Минода ётиш.

Ҳаж ойлари шаввол, зулқаъда ва зулҳижжанинг ўн кунидан иборат.

Аллоҳ таоло:

مَعْلُومَاتُ أَشْهُرِ الْحَجِّ

«**Ҳаж маълум ойлардир**», деб марҳамат қилган (Бақара сураси, 197-оят).

Демак, ҳаж доим бўлавермас экан, уни адо этиш учун маълум вақт, маълум ойлар бор экан.

Шаввол ва зулқаъда ойлари тўлиқ, зулҳижжа ойининг биринчи ўн куни ҳаж ойларидир. Мана шу пайтда ҳажни ният қилиб эҳромга кирса бўлади. Албатта, зулҳижжа ойининг ўнинчи куни, яъни Қурбон ҳайити куни бундан мустаснодир.

يَذُوْهُنَّ رُشَعًا وَعَدَّةً قَوْلًا وَدَوْلًا وَشُجَّالًا رُشَاءً: اُمُّوْنَ عُلَلًا يَضَرَّرُمُ عُنْبًا لِق

يُرَاحُّ بَلَاءًا وَرَاحٌ

Ибн Умар розияллоҳу анҳумо:

«**Ҳаж ойлари шаввол ва зулқаъда, зулҳижжанинг ўн кунидир**», **деди**».

Бухорий ривоят қилган.

Шаввол ойининг бошидан ҳажни ният қилса бўлади. Ният қилиб, эҳром боғлаб бориб тавоф ва саъй қилиб, сўнгра эҳромдан чиқиб юраверса, ҳаж кунлари келганда яна эҳром боғлаб, ибодатини давом эттираверади. Шунингдек, зулқаъда ойида ва зулҳижжа ойининг тўққизинчи куни ҳам ҳажни ният қилиб, эҳром боғласа бўлади.

Ул ойлардан олдин ҳажнинг эҳроми макруҳдир.

Чунки жуда ҳам олдин эҳромга кириб олган одам ман қилинган нарсаларга амал қиламан деб, ўзига ноқулайлик туғдириб олиши мумкин.

«Кифоя» китобининг иккинчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.